

“ШАРҲ-И ФУСУС АЛ-ҲИКАМ” АСАРИНИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ

Умурзоқов Бахриддин Сафарович

АННОТАЦИЯ

XV–XVI аср мобайнида Ҳиротда яшаб, ижод этган шоир, етук маноқибнавис, Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий ўз даврида Ҳирот илмий-адабий муҳитининг етук алломаларидан, шарқ мумтоз адабиёти вакиллари билан бири ҳисобланади. У ўзига хос ижодий фаолияти ва илмий-адабий мероси билан ўз даври адабиётига, хусусан, маноқибнависликка муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир.

Алий Сафийнинг истеъдодли шоир, таниқли тазкиранавис ва маноқибнавис, ўз даврининг машҳур воизи бўлгани у ҳаёт бўлган давр манбаларида эҳтиром ила эътироф этилган (Навоий, Хондамир, Комий).

Алий Сафий Ҳиравий моҳир хаттот. хос котиб сифатида ҳам фаолият юритган. Ижодкор шахсиятининг ушбу қирраси ҳозиргача илмда махсус тадқиқ этилмаган. Мақола ижодкорнинг хаттотлик фаолияти, хос котиблиги ва унинг самарали меҳнати самараси ҳисобланган “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” (شرحی فصوص (شرحی) қўлёмаси китобати ҳақида. “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” Мавлоно Абдурахмон Жомий қаламига мансуб йирик ҳажмли тасаввуфий асардир.

Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Ҳиравий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий умрининг охириги йилларида Ҳирот шаҳри катта жомеъсида воиз бўлган. Аммо у, асосан, шоир, адиб, тазкиранавис сифатида танилган, янги топилган маълумотлар эса унинг моҳир хаттот, саводли хос котиб сифатида ҳам фаолият юритганига далолат қилмоқда. Бу эса ижодкорнинг серқирра фаолият эгаси, ўзига хос нодир қобилиятлар соҳиби бўлганлигини англатмоқда.

Калит сўзлар: Алий Сафий Кошифий Ҳиравий, “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам”, дастхат нусха, “Шарҳ-и Мулло” қўлёмаси, “Хатт-и Қуръоний”, насх хати, Мавлоно Жомий, УСТОЗ-И КУЛЛ (илм-у ижодда, маърифатда барчага УСТОЗ).

ОБ УНИКАЛЬНОМ РУКОПИСЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ “ШАРХ-И ФУСУС АЛЬ-ХИКАМ”

АННОТАЦИЯ

Поэт, манокибнавис, Мауляна Фахр ад-Дин Али Сафи Кашифи Хирави, живший и работавший в Герате на протяжении XV-XVI веков, поистине является одним из ведущих исследователей научной и литературной среды Герата, представителем классической литературы Востока.

Али Сафи был талантливым поэтом, известным тазкиранависом и манокибнависом, известным проповедником своего времени (Навои, Хандамир, Коми).

Али Сафи Хирави - мастер каллиграфии. также служил первым секретарем Мауляны Джами. Эта сторона творческой личности до сих пор специально не изучалась в науке. Мы хотели бы остановиться на этой уникальной способности творца – рукописной книге «Шарх-и фусус ал-хикам», являющейся результатом его каллиграфической деятельности и его плодотворной работы. «Шарх-и Фусус аль-Хикам» - является масштабное мистическое произведение Мауляны Абдурахмана Джами.

Ключевые слова: Али Сафи Кашифи Хирави, “Шарх-и фусус ал-хикам” рукопись, рукопись “Шарх-и Мулло”, “Хат-и Корани”, письмо насх, Мауляна Джами, УСТОЗ-И КУЛЛ (учитель и мастер всем в творчестве, просветлении).

ON THE EXAMPLE OF A RARE MANUSCRIPT “SHARH-I FUSUS AL-HIKAM”

ABSTRACT

The poet, manokibnavis, Maulana Fakhr ad-Din Ali Safi Kashifi Kheravi, who lived and worked in Herat during the 15th-16th centuries, is truly one of the leading researchers in the scientific and literary environment of Herat, a representative of the classical literature of the East.

Ali Safi was a talented poet, famous tazkiranavis and manokibnavis, famous preacher of his time (Navoi, Khandamir, Komi).

Ali Safi Hirawi is a master of calligraphy. also served as first secretary to Maulana Jami. Unfortunately, this side of the creative personality has not yet been specifically studied in science. We would like to dwell on this unique ability of the creator - the handwritten book "Sharh-i Fusus al-hikam", which is the result of his calligraphic activity, and his fruitful work. "Sharh-i Fusus al-Hikam" is a large-scale mystical work of Maulana Abdurahman Jami.

Keywords: Ali Safi Kashifi Kheravi, “Sharh-i Fusus al-hikam”, manuscript, manuscript “Sharh-i Mullo”, “Khat-i Korani”, Naskh letter, Maulana Jami, USTOZ-I KULL (teacher and master of all in creativity, enlightenment).

КИРИШ

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий (1442–1505)нинг алломалиги, яъни кўп илмларда, соҳаларда асарлар ижод қилгани тафсилотли тадқиқ этилган нусхалари [1, 41-44; 2, 14-15] . Алишер Навоий Мавлоно Кошифийни таърифлар экан, “Мавлонодин зу фунунлик пуркор бўлубтур...” (3, 132) деб ёзган.

Ҳусайн Воиз Кошифий хаттот сифатида ҳам фаолият юритган. Бироқ алломанинг хаттотлик фаолияти, китобат намуналари замонавий илмда умуман тадқиқ этилмаган. Арабий алифбода ёзув битган адиблар, шоирлар ва олимларнинг автограф (дастхат)лари кўздан кечирилса, улардан кўпчилигининг ёзувлари хуснихатдан холи. Ҳусайн Воиз Кошифий эса хуснихат эгаси бўлган. Ул зотнинг нодир котиб, қилқалам хаттот бўлганига алломанинг “Мавоҳиб-и Алиййа” тафсири қўлёзмаси далолат қилади. Мазкур қўлёзма ЎзР ФА ШИ асосий фондида № 2181 инв. рақам остида сақланади. Бухоро хонлигининг охириги қозикалони Садр Зийнинг қайдига кўра, ушбу қўлёзма “Муаллиф дастхатидир” [4, 1 а].

Ҳусайн Воиз Кошифий адиб ва хаттот бўлган экан, унинг ўғли Алий Сафий ҳам ўз отасидек “зу фунун”ликка интилганмикан?

Яқинда Фахруддин Алий Сафийнинг ўз отаси каби саводли котиб ва қилқалам хаттотлигига далолат қилган бетакрор ишларидан бирини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу иш ўрта асрлар мусулмон оламида “Шайхи акбар” номини олган зот Мухйиддин ибн Арабийнинг “Фусус ал-ҳикам” (فصوص الحكم) асарига Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан ёзилган “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” (شرح فصوص الحكم) асарининг китобат қилинган нодир қўлёзмасидир.

“Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ асосий фондида №520 инв. рақам остида сақланади. Қўлёзма жами 265 варақ (530 саҳифа)дан иборат бўлиб, унинг колофонида котиб ўзини қуйидагича таништирган (5, 254):

و قد تشرفّ باتمام كتابه هذه الشرح الشريف العبد الضعيف علي الصفي ابن الحسين الواعظ الكاشفي ثبته
الله تعالى على منهج الصدق و السداد في العمل و القول و الاعتقاد
و نقله من كتاب الذي كان بخط المصنف قدس الله تعالى سرّه و افاض علينا برّه - في اواسط شهر صفر
سنة سبع و تسعمائة

ثم قابلته مع الكتاب المنقول عنه بقدر الوسع و الامكان و الانسان مرگب من النسيان
و قد تمتّ المقابلة في اواخر شهر رمضان سنة سبع و تسمايه من هجرة سيدنا المبعوث بأشرف الايمان
صلوات الله و سلامه عليه ما اختلف الملوان و كرّ الجديدان، م

Таржимаси: Ушбу муборак “Шарҳ”нинг кўчирилиши заиф банда Алий ас-Сафий ибн ал-Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифийнинг қўли билан тамомланди —

Аллоҳ таъоло уни сидқ (тўғрилиқ) йўлида, солиҳ амал (эзгу ишлар), эзгу сўзлар ва тўғри, ҳақ эътиқодда бардавом айласин!

(Котиб) бу (матн)ни мусаннифнинг – Аллоҳ таъоло ул зотнинг сиррини муқаддас (яъни, ихлосмандларини зиёда) айласин ва бизнинг устимизга (ул зотнинг дуолари ила) яхшилиқлар ёғдирсин! – муборак хати билан битилган илк нусхадан нақл этди, тўққиз юз еттинчи сананинг Сафар ойининг ўртасида.

Сўнгра (махфий қолмасинким,) бу китобни ул зотдан (“Шарҳ” мусаннифи, Мавлоно Жомийдан китобат учун ўзим илтимос ила) қабул қилиб олдим. Албатта, куч ва имкон етгунча (бу ишни бажардим), инсон нисён (унутмоқлик)дан таркиб топгандир.

Ва муқобала (дастхат нусха билан бу нусхани ўзаро солиштириб чиқиш иши) шарафли иймон билан юборилган Зот Саййидимиз – токи Қутб юлдузи чиқиб ботар экан ва ҳаёт давом этар экан (ана шу муддатда) ул Зотга Аллоҳ таъолонинг тўхтовсиз раҳматлари ва саломлари бўлсин! - ҳижратларидан тўққиз юз етти йил ўтганида Рамазон ойининг охирида (батамом) тугалланди”.

Мазкур қўлёзманинг 1 а ва охириги 265 а саҳифаларида Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг дастхати билан Олдсўз ва Сўнгсўз ёзилган.

Сўнгсўзда Жомий ҳазрат бу “Шарҳ”нинг муқобаласини амалга оширган зот - ўзининг забардаст шогирди Мавлоно Абдулғафур Лорийга самимий миннатдорчилик билдирган ва унинг ҳақиқа дуои хайр қилган [5, 264]:

تمت مقابلة هذا الكتاب بيني وبين صاحبه وهو الاخ الفاضل والمولى الكامل والرأى الصائب والفكر الثاقب رضى الملة والدين عبد الغفور استخلصه الله سبحانه لنفسه ويكون له عوضا عن كل شئى، فى اواسط شهر جمادى الاولى المنتظمة فى سلك شهور سنة ست وتسعين وثمانماية و أنا الفقير عبدالرحمن بن احمد الجامى عفى عنه

Асарнинг охириги таҳрир ишлари ҳижрий сананинг саккиз юз тўқсон олтинчиси (мил.1490 й.) Жумоду-л-охир ойи ўртасида тамомланган.

Ушбу нусха Мавлоно Абдулғафур Лорий учун махсус кўчирилган. Алий Сафий эса Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан ёзилган “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асарининг котиби ва муҳаррири бўлиш шарафига сазовор бўлган.

Зеро, шундан сўнг китобнинг Алий Сафий томонидан ҳам таҳрир қилинганига доир маълумот қайд этилган:

حرّره الفقير على بن الحسين الواعظ الكاشفى المشتهر بالصفى فى اواخر شهر ربيع الآخر لسنة ثلث عشر و تسعمائة

م

“Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асари йирик ҳажмли асар – 265 варақ (530 саҳифа). Қўлёзма ҳошиясида Мавлоно Жомийнинг, Мавлоно Абдулғафур

Лорийнинг изоҳлари, қайдлари битилган. Бу қўлёманинг нақадар диққат ва эҳтимом билан китобат қилингани, қайта-қайта таҳрирдан ўтказилганига далолат қилади.

“Рашаҳот”да бир неча ўринда, масалан, “Ҳазрат Махдум қуддиса сирруху (Мавлоно Абдурахмон Жомий – Б.У.)дан эшитилган маърифатли сўзлар баёни”, “Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор)дан эшитилган маърифатли сўзлар баёни” бобларида рашҳаларда Ибн Арабийнинг “Фусус ал-ҳикам” асаридан кўп мисоллар келтирилган ва улар шарҳланган. Демак, маълум бўлмоқдаки, Алий Сафий “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам”ни китобат қилиш билан кифояланмаган, балки мазкур асардан китобхонлар билиши зарур бўлган ва муҳим ҳисобланган бир қанча маълумотларни ўз асари “Рашаҳот”да келтирган.

Масалан, Ибн Арабий “Фусус ал-ҳикам”да “Ҳар ким Мени тушида кўрса, у кимса Мени ўнгида, албатта, кўради”, мазмунидаги ҳадиси шарифни келтирган. Мавлоно Жомий эса мазкур ҳадиси шарифни шарҳлайди. Жомий кўра, ушбу ҳадиси муборақдаги “Мени тушида кўрган ўнгида ҳам албат кўради” иборасини “Мени тушида кўрган шуни билсинки, у Мени аниқ кўрибди,” шаклида шарҳлаган [5, 264].

Алий Сафий “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асари номини “Рашаҳот”да кўп ўринларда келтирган. Бу асарга Хожагон азизлари томонидан берилган таърифларни ҳам баён қилган. Бунга Хожа Абу Наср Порсодан қилинган бир нақлни мисол қилиш мумкин:

“Ва яна Хожа Бурҳониддин Абу Наср Порсо қуддиса сирруху эдилар ва ул зотга ҳазрат Хожа Абу Насрнинг суҳбатлари кўб иттифоқ тушубдир. “Нафаҳот-у-л-унс”да ёзиб турурларким, бир кун аларнинг мажлиси шарифларида Ҳазрат Шайх Муҳйиддин ибн Арабий қуддиса сиррухунинг зикри ва аларнинг мусаннифотларининг зикри ўтар эди. Ўз волиди бузрукворларидан нақл этиларким, алар айтур эрдилар: ”Фусус” жон эрур, “Футухот” эса дил!”

Ва яна муни ҳам айтдиларки: ”Ҳар киши ”Фусус”ни яхши билса, анга Ҳазрат Пайғамбар саллоҳу алайҳи ва саллам мутобаатларининг добияси қавий айланур” [7, 184].

Ушбу парчадан маълум бўлмоқдаки, Хожа Муҳаммад Порсо ўз илмий, маърифий суҳбатлари асносида Шайх Муҳйиддин ибн Арабий ҳақида, албатта, эҳтиром билдириб тўхталар экан. Абу Наср Порсо, яъни Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғли ўз отасидан нақл қилишига кўра, ул зот “Фусус” асарини ҳақидаги гапириб: ”Фусус” жон эрур, “Футухот” эса дил!” деган.

Бу таърифдан нимани кўзда тутилгани, яъни мурод нима эканини яна ул зот - Хожа Муҳаммад Порсонинг ўзи баён қилган экан: “Кимки “Фусус” асаридан

яхши хабардор бўлса, унга Ҳазрат Пайғамбаримизга - саллоҳу алайҳи ва саллам! - эргашмоқ, яъни ул зотнинг муборак суннатларини маҳкам тутмоқ, суннат-и мутоҳҳарани тирилтирмоқ истак-хоҳиши кучли бўлади.

Хожагон-нақшбандийя тариқати мансубларининг иймон, ихлос ва маърифат борасидаги хос афзаллиги ҳам аслида мана шунда. Яъни, ул зотлар Ҳазрат Пайғамбаримизга - саллоҳу алайҳи ва саллам! - эргашмоқ, яъни ул зотнинг муборак суннатларини маҳкам тутмоқ, суннати мутоҳҳарани энг гўзал, энг чиройли тарзда тирилтирмоқ – суннат амалларни ўз ҳаётларига жорий қилмоқ, ва ана шу тарзда барчага чиройли, комил ўрнак бўлмоқ истак-хоҳиши, нияти билан яшайдилар.

Бу маълумот орқали Хожагон машойихининг, айниқса, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг Шайх Муҳйиддин ибн Арабий асарларига, хусусан, унинг ”Фусус” ҳамда “Футухот” асарлари мутоаласига асло бефарқ бўлмаганлари маълум бўлади.

Алий Сафийнинг маълумот беришича, Мавлоно Абдурахмон Жомий Самарқандга бир сафар Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳузурига Шайх Муҳйиддин ибн Арабий асарларидаги баъзи нозик ибораларни ул зот шарҳлаб беришлари илтимоси билан келган [7, 184] .

“Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асарини китобат қилиш Алий Сафий учун Мавлоно Жомийга хизматида бўлиш бахти билан бирга кейинчалик ўзининг шоҳ асари “Рашаҳот”ни ҳам янада мазмунли ва маънодор асар бўлишида қўл келади.

Шу ўринда яна бир нарсага диққатингизни қаратмоқчимиз. Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ва унинг ўғли Фаҳруддин Алий Сафийга хаттотликда, котибликда ўрнак ва намуна бўлган зот Мавлоно Абдурахмон Жомийдир. Зеро, навоийшунослигимизда “Навоий альбоми” деб номланувчи “Мажмуъа-и руқуъот” (Мактублар, номалар тўплами)даги Ҳазрат Жомийнинг дастхатлари мураккаб муллоий хатига далолат қилса, “Тафсир-и Хожа Муҳаммад Порсо”даги Мавлоно Жомий қаламига тегишли бўлган уч саҳифа китобат ва мазкур “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асари Олдсўз ва Сўнгсўз битилган саҳифалардаги битиглар [5, 26] .эса ул зотнинг (яъни, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг) моҳир хаттот бўлганини билдиради.

Мавлоно Жомий насх хатида, бошқача қилиб айтганда, “Хатт-и Қуръоний” бўлган насх хатини нафис ёзиш борасида моҳир хаттот бўлган.

Мавлоно Жомий нафақат илм-у ижодда, хатто хаттотликда ҳам ўз замондошларига, шогирдларига, ўз ихлосмандларига чиройли намуна, ўрнак бўлгани, таъбир жоиз бўлса, “ад-Доллу ала-л-хойри ка-фобилиҳи” (*الدال على الخير*)

كفاعة) ҳадис-и шарифи¹да баён қилинган аброр² зотлардан экани маълум бўлмоқда.

Мавлоно Жомий ўз даврида замоннинг фузалоси ва уламиси учун УСТОЗ-И КУЛЛ, яъни илм-у ижодда, маърифатда барчага УСТОЗ мақомида эди.

Мавлоно Абдурахмон Жомий шахсияти, фикрлари, маърифати, ирфонидан келиб чиқиб, Ҳусайн Воиз Кошифийни, Алишер Навоийни, Алий Сафийни ва бошқа Ҳирот адабий ва илмий муҳитининг барча забардаст вакиллари ижодини тўғри англаш, тўғри талқин қилиш мумкин. Агар Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий ва айниқса, Мавлоно Абдурахмон Жомий маърифати, илм-у ижодини етарлича билмасак ёки тўғри баҳолай олмасак, ул зотга замондош қалам аҳли ижодини, ул зот ихлосмандлари қарашларини, мақсадларини ҳам тўғри тушуниш, тўғри баҳолаш имконсиздир.

Мавлоно Жомий, ҳақиқатан, деярли барча замондошларининг ижодларига, илм-у ирфонларига ғоят кучли таъсир ўтказган ана шундай нодир шахсият, бетакрор зотдир.

Назаримизда Алий Сафийга ҳам илм-у ижодда ва ҳатто хаттотликда ҳам энг кучли таъсир ўтказган зот, шак-шубҳасиз, Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳисобланади.

“Рашаҳот” асарининг “Ҳазрати Махдумнинг аҳволи ва маъорифи, хориқул-одотлари зикрлари баёнида” бобларида Алий Сафий баъзан очик-равшан, баъзи ўринларда эса нозик ишоралар билан Мавлоно Абдурахмон Жомийга ўз самимий муносабатини, юксак эҳтиромини билдиради ва ул зотга чуқур ҳурматини орифона баён қилишга интилади.

“Рашаҳот” Мавлоно Жомийнинг ва Хожа Аҳрорнинг вафотларидан кейин ёзилди. Биз “Рашаҳот” асаридан шуни аниқ англашимиз мумкинки, худди Навоий каби Алий Сафий ҳам соҳиб-и валоят бўлган (валий зотлиги билан танилган) бу икки зотнинг вафотлари сабаб айрилиқ фироқига умрининг охиригача кўникаолмаган. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Навоий:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишини кўнглум писанд этмас,
деб ёзган эди.

Алий Сафий эса “Рашаҳот” муқаддимасида ана шундай кайфиятда ушбу шеърий мисраларни битган:

Гул фасли ўтди, гулзор хароб бўлди,

¹ Таржимаси: Эзгу ишга сабабчи бўлган одам ўша ишни бажарган кабидир.

² Солиҳ, яхши, тақводор.

Мен энди гул бўйини қаердан излай?! Гулобдан(ми)?.. [7, 15].

“Рашаҳот” асари матнида ҳам икки муборак зот - Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Мавлоно Абдурахмон Жомий маноқиблари энг кўп ўрин олганини кўрамыз. Бу Алий Сафийнинг ўз умри давомида аввало эътиқодда, сўнгра илм-у ижодда кўпроқ қайси нодир шахсиятларга, яъни юксак маънавиятга ва улкан маърифатга эга забардаст сиймоларнинг таъсирида бўлганига очиқ далолат қилади.

Навоийшунослигимизда Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб ва бошқалар учун “Навоийнинг котиблари” ибораси қўлланилади. Таъбир жоиз бўлса, “Мавлоно Жомийнинг котиблари” ҳам бўлган ва ўша котиблар орасида Алий Сафий биринчи ўринда туради. Чунки Алий Сафийнинг Мавлоно Жомий асарларидан нусха кўчириши шу биргина “Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам” асари билан чекланмаган. Алий Сафий томонидан Мавлоно Жомий қаламига мансуб “Шавоҳид ан-Нубувва” (Пайғамбарлик аломатлари) асарининг ғоят чиройли настаълиқ хатида китобат қилинган бир нодир нусхаси бор. Мазкур қўлёзма ҳам ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланади.

ХУЛОСА

Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг ўз илмий-ижодий фаолияти давомида Ҳирот шаҳри катта жомеъсида воиз бўлган, шоир, адиб, тазкиранавис сифатида танилган, шу билан бирга у моҳир хаттот, саводли хос котиб сифатида ҳам фаолият юритган экан. Бу эса ижодкорнинг ўзига хос яна бир истеъдодига, нодир қобилият эгаси бўлганлигига далолат қилмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Умурзоқов Б. «Рашаҳот» асарининг нодир қўлёзма нусхаси. -Т.:2018, -Б. 41-44./ Убайдулла Каримов номидаги XV илмий-амалий конференцияси материаллари. –Т.,2018. 400 б.
2. Умурзоқов Б. Фахруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи. Нурафшон,-Т.: 2019. -203 б.
3. Мажолисун-нафоис. 12-жилд. – Тошкент, 1966.
4. ЎзР ФА ШИ фонди. Қўлёзма №2181, 1 а.
5. ЎзР ФА ШИ фонди. Қўлёзма №520, 264б.
6. ЎзР ФА ШИ асосий фонди. Қўлёзма № 520, – Б. 264.
7. Рашаҳот. – Тошкент,2004. 504 б.

REFERENCES:

1. Umurzoqov B. A rare manuscript of the work "Rashahot". -T .: 2018, -B. 41-44./ Proceedings of the XV scientific-practical conference named after Ubaydulla Karimov. -T., 2018. 400b.
2. Umurzoqov B. Fakhruddin Ali Safi's scientific and literary heritage and comparative-textological study of his work "Rashahot". Nurafshon, -T .: 2019. -203 p.
3. Majolisun-nafois. Volume 12. -Tashkent, 1966.
4. UzR FA SHI Foundation. Manuscript №2181, 1 a.
5. UzR FA SHI Foundation. Manuscript №520, 264 b.
6. The main fund of the Uzbek Academy of Sciences. Manuscript №520, - b. 264.
7. Rashahot. - Tashkent, 2004. 504 s.